Коронавирус: Ўзбекистон, яқин хориж ва жаҳондаги вазият, 11 апрель (инфографика)

# КОРОНАВИРУС (COVID-19)
(11/04/2020, 0:30)



## Ўзбекистон

**669**
**10 апрель**

| 624 | 42 | 3 |
|---|---|---|
| 93% | 6,3% | 0,4% |
| ДАВОЛАНИШДА | СОҒАЙГАНЛАР | ВАФОТ ЭТГАНЛАР |

**Коронавирус динамикаси**
(15.03.2020 - 10.04.2020)




## Яқин хориж
(10.04.2020, 23:30)




| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Қайд этилган | 234 | 298 | 669 | 812 | 937 | 991 | 1981 | 2203 | 11917 |
| Соғайганлар | 54 | 35 | 42 | 64 | 149 | 159 | 169 | 61 | 795 |
| Вафот этганлар | 3 | 5 | 3 | 10 | 12 | 10 | 19 | 69 | 94 |

## ТОП-5
(10.04.2020, 23:30)




| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Қайд этилган | 489 268 | 157 053 | 147 577 | 124 869 | 119 629 |
| Даволанишда | 445 066 | 85 415 | 98 273 | 86 740 | 64 810 |
| Соғайганлар | 26 187 | 55 668 | 30 455 | 24 932 | 52 407 |
| Вафот этганлар | 18 015 | 15 970 | 18 849 | 13 197 | 2 607 |

## Жаҳон
(10.04.2020, 23:30)

Қайд этилган
**1 677 190**
+73 538




Соғайганлар
**372 403**

Вафот этганлар
**101 559**
+5 867

Манбалар: ЎзР ССВ; Жонс Ҳопкинс университети; worldometers.info

xabar.uz xabar.uz @xabaruzofficial @xabaruzofficial xabar.uz

Коронавирус: Ўзбекистон, яқин хориж ва жаҳондаги вазият, 11 апрель (инфографика)

Инфографика: «Xabar.uz»

Бугун, **11 апрель - мамлакатимизда коронавирус инфекцияси аниқланганининг 28-куни**.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган маълумотга кўра, 10 апрель ҳолатига, мамлакатимизда COVID-19ни юқтирганлар жами сони 669 нафарга етди: 42 нафар бемор соғайиб кетган, уч нафари вафот этган.

> *Бир суткада 87 нафар янги бемор аниқланди.*

Яқин хориж мамлакатларида коронавирус қайд этилиши бўйича Россия етакчи - салкам 12 мингта ҳолат. Беларусда эса 10 апрель куни антирекорд қайд этилди — 495 нафар янги бемор аниқланди.

Украинада коронавирусни юқтирганлар сони 2203 нафарга етган бўлса, Беларусда 1981 нафарга етди, Молдова (1438) ҳамда Эстония (1258) «минглик довон»дан ўтган бўлса, бугун-эрта улар сафига Литва (999), Озарбайжон (991) ва Арманистон (937) қўшилишга жуда яқин турибди.

Қолган кетма-кетлик:

- Қозоғистон — 812
- Ўзбекистон — 669
- Латвия — 612
- Қирғизистон — 298
- Грузия — 234.

«Worldometers» маълумотларига кўра, коронавирус энг кўп тарқаган мамлакатлар — АҚШ (489 минг), Испания (157 минг), Италия (147,5 минг), Франция (124,8 минг) ва Германия (119,6 минг).

11 апрелнинг айни соатларига келиб, дунё бўйича коронавирус аниқланган инсонлар жами сони **1.670.190** нафарга етди, шундан **101.559** нафари вафот этган, **372.403** нафар бемор соғайиб кетган.

Дунёнинг **184** мамлакати ва ҳудудида коронавирус мавжуд.

***Эслатма:*** *айрим рақамлар сониясига янгиланиб турган глобал манбалардагидан фарқланиши мумкин — коронавирус жуда тез тарқамоқда.*

2020-04-11 06:42:24